

Илмни ишончли кишилардан олиш ҳақида



14:00 / 27.04.2019 2725

VIII боб

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: «Илмни ишончли зотлардан олиш лозим, чунки диннинг устун илм биландир. Киши ўзининг жонини ишонадиган кишигагина динини ҳам ишониб топшириши лойиқ бўлади».

Ибод ибн Касир Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилиб айтадики: «Гувоҳлиги қабул бўлмайдиган кишидан ҳадис ривоят қилманглар».

Муҳаммад ибн Сийрин айтадилар: «Бу илм диндир. Динларингизни кимдан олаётганингизга қаранглар».

Муҳсин айтадилар: «Ким чиройли сўз айтса-ю, ёмон амал қилса, ундан илм олманглар ва унга суянманглар».

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Илм мўминнинг йўқотган нарсаси, уни қаерда топса, олади», деб айтганлар».

«Уни қаерда топса, олади», деб айтилади. Бунинг маъноси шуки, агар унга хабар берган киши ишончли ва сўзи фойдали бўлса, олади, аммо хабар берган киши ишончсиз бўлса, олмайди. Агар бир киши бир ҳадисни ёки бир масалани эшитса ва айтувчиси ишончсиз бўлса, ундан қабул этиш дуруст

эмас. Лекин унинг сўзи асл манбаларга мувофиқ келса, унга амал қилиш жоиз бўлади. Аммо бу илм саналмайди. Шунингдек, ёзилган ҳадис ёки масалани топса ва у асл манбаларига мувофиқ бўлса, унга амал қилиш жоиз, мабодо мувофиқ бўлмаса, жоиз эмас.

Абдурахмон ибн Абу Лайло Али ибн Абу Толибдан ривоят қилади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки бир ҳадисни айтган кишини ёлғон гапирди, деб ўйласа, ўзи ёлғончиларнинг биттаси бўлади», дедилар».

«Бўстонул Орифийн» китобидан